



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабалжанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети


Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Ganjina Azimova NOYOB KITOBLAR FONDI O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYIDA.....	5
2. Елена Гордеева СТРОИТЕЛЬНЫЕ ТРАДИЦИИ РАННИХ ЗЕМЛЕДЕЛЬЦЕВ ДРЕВНЕГО ШАША.....	11
3. Mohinur Isaqova YANGI O‘ZBEKISTONDA XALQCHIL VA INSONPARVAR DAVLAT QURISHNING IJTIMOIY-SIYOSIY AHAMIYATI.....	16
4. Pyos Oqbo‘tayev KOREYS XALQINING TO‘LJANJI MAROSIMI VA UNING TRANSFORMATSIYASI.....	22
5. Жамшид Пиримкулов ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.....	29
6. Xumora Pozilova TIRNAB BEZAK BERILGAN SOPOL IDISHLARLARNING TARIXIY ILDIZLARI, XRONOLOGIYASI, TARQALISH GEOGRAFIYASI VA O‘RGANILISHI.....	39
7. Murod Raxmatov “YANGI TURKISTON” JURNALI – MA’RIFAT VA KURASH MINBARI.....	46
8. Boburjon Teshaboyev FUQARO MUHOFAZASI VA FAVQULODDA VAZIYATLAR SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI.....	51
9. Baxtiyor Xalmuratov “YOMG‘IR” RAMZI BILAN BOG‘LIQ XALQ QARASHLARI.....	58
10. Хулкар Холикулова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКISTONДА “ЛИДЕР АЁЛ” ВА “ЗАМОНАВИЙ АЁЛ” ТУШУНЧАЛАРИ.....	66
11. Шахноза Холикулова ЎЗБЕКISTONДА 1930-1940 ЙИЛЛАРДА КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САНОАТЛАШУВИ ТАРИХИ.....	71
12. Рашид Холмуродов ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ.....	77



Хулкар Юлдашевна Холикулова,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш
академияси “Ижтимоий гуманитар фанлар”
кафедраси доценти
E-mail: Xalikulova81@mail.ru

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА “ЛИДЕР АЁЛ” ВА “ЗАМОНАВИЙ АЁЛ” ТУШУНЧАЛАРИ

For citation: Khulkar Yu. Khalikulova. THE CONCEPTS OF “FEMALE LEADER” AND “MODERN WOMAN” IN CONTEMPORARY UZBEKISTAN. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 8.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17253285>

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий Ўзбекистонда “лидер аёл” ва “замонавий аёл” тушунчалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Муаллиф лидерлик назарияларининг тарихий ривожланиши, маскулин ва феминин лидерлик моделлари ҳамда уларнинг ижтимоий амалиётдаги ўзига хос хусусиятларини ёритади. Хусусан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли, уларнинг раҳбарликдаги эмоционал сезгирлиги, ҳамкорликка мойиллиги ва эмпатияси орқали самарали бошқарув жараёнини таъминлаш имкониятлари кўрсатиб ўтилган. Мақолада замонавий тадқиқотчиларнинг “суперлидер” концепцияси ва феминин лидерлик моделлари мисолида аёл раҳбарларнинг жамиятдаги ижтимоий аҳамияти асослаб берилади. Шу тариқа, мақолада аёл лидерларнинг Ўзбекистондаги ижтимоий мавқеи, уларнинг жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ва гендер тенглиги жараёнидаги роли кенг ёритилган.

Калит сўзлар: Лидерлик, аёл лидер, замонавий аёл, маскулин лидерлик модели, феминин лидерлик модели, эмпатия, ижтимоий роль, гендер тенглиги, самарали бошқарув, суперлидер концепцияси.

Хулкар Юлдашевна Халикулова,
доктор философии (PhD) исторических наук,
Доцент кафедры «Социально-гуманитарных наук»
Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан
Электронная почта: Xalikulova81@mail.ru

ПОНЯТИЯ «ЖЕНЩИНА-ЛИДЕР» И «СОВРЕМЕННАЯ ЖЕНЩИНА» В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье научно анализируются понятия «женщина-лидер» и «современная женщина» в современном Узбекистане. Автор освещает историческое развитие теорий лидерства, маскулинные и фемининные модели лидерства, а также их специфические особенности в социальной практике. В частности, рассматривается роль женщин в социально-политической жизни, их эмоциональная чувствительность в руководстве, склонность к сотрудничеству и эмпатия как факторы, обеспечивающие эффективное управление. В статье также обосновано социальное значение женщин-руководителей на примере концепции «суперлидера» и фемининных моделей лидерства современных исследователей. Таким образом, подробно раскрывается социальный статус женщин-лидеров в Узбекистане, их вклад в развитие общества и роль в процессе гендерного равенства.

Ключевые слова: лидерство, женщина-лидер, современная женщина, маскулинная модель лидерства, фемининная модель лидерства, эмпатия, социальная роль, гендерное равенство, эффективное управление, концепция суперлидера.

Khulkar Yu. Khalikulova,

Doctor of Philosophy (PhD) in History,

Associate Professor, Department of Social Sciences and Humanities
Academy of Law Enforcement Agencies of the Republic of Uzbekistan

Email: Xalikulova81@mail.ru

**THE CONCEPTS OF “FEMALE LEADER” AND “MODERN WOMAN” IN
CONTEMPORARY UZBEKISTAN**

ABSTRACT

The article provides a scholarly analysis of the concepts of “female leader” and “modern woman” in contemporary Uzbekistan. The author examines the historical development of leadership theories, masculine and feminine leadership models, as well as their specific features in social practice. In particular, the article highlights the role of women in socio-political life, their emotional sensitivity in leadership, inclination toward cooperation, and empathy as key factors ensuring effective governance. The study also substantiates the social significance of women leaders through the example of the “super-leader” concept and feminine leadership models proposed by modern scholars. Thus, the article elaborates on the social status of women leaders in Uzbekistan, their contribution to societal development, and their role in the process of achieving gender equality.

Index Terms: leadership, female leader, modern woman, masculine leadership model, feminine leadership model, empathy, social role, gender equality, effective governance, super-leader concept.

1. Долзарблиги:

Замонавий Ўзбекистонда гендер тенглиги, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки ва раҳбарлик салоҳиятини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати ва жамият тараққиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобаллашув, инновация ва рақобат муҳитида “лидер аёл” ҳамда “замонавий аёл” тушунчаларининг илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниши жамиятда аёлларнинг ўрни ва ролини чуқур англаш имконини беради. Мазкур мавзу долзарблиги шундаки, у нафақат тарихий ва назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам жамиятда самарали бошқарув, гендер мувозанати ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, лидерлик моделларидаги гендерга хос хусусиятларни таҳлил қилиш орқали аёлларнинг ижтимоий имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг жамият тараққиётидаги ҳиссасини ошириш мумкин.

2. Методлар: Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда

жамиятимиз равнаки йўлида хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеининг ошиб бориши, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бугунги кунда бутун дунёда аёлларнинг фаоллиги тобора ортмоқда ва бу жараён ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Замоनावий дунёда бошқарувнинг анъанавий моделлардан узоклашиши, технологиянинг ривожланиши ва маълумотларга киришнинг қулайлиги ҳар бир жабҳада ўзига хос эволюция яратди. Мазкур эволюция аёлларга кўпроқ ёрдам берди ва аёллар ташкилотларда раҳбар лавозимларига ўта бошладилар. Жумладан, S&P 500 (Standard & Poor's) индексидан ўрин олган йирик компаниялар бош директорлари орасида аёллар улуши 4,6 фоизни ташкил этмади ва ушбу компаниялар муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Аёлларни бундай раҳбарлик салоҳиятини ошириш масаласи эса узоқ йиллардан буён турли соҳа олимларининг диққатини жалб қилиб келаётган масалалардан бири ҳисобланади. Дастлаб олимлар томонидан лидерликнинг умумий моделлари ишлаб чиқилди. Масалан, Лоден лидерликнинг икки хил модели ҳақида маълумот беради. Биринчиси рақобатбардошлик асосида бошқариладиган 1985 йилда ишлаб чиқилган, иерархик ҳокимият, раҳбар томонидан юқори назорат ва эмоционалликдан йироқ бўлган сифатлар билан тавсифланадиган "маскулин бошқарув режими" бўлиб бу модел кўпроқ эркакларга хос услуб ҳисобланади. Шунинг учун дастлабки лидерлик назариялари ва моделлари асосан эркаклар раҳбарлигига йўналтирилган бўлган. Натижада маскулин лидерлик модели негизида Автократик, демократик, либерал, харизматик, трансформацион, транзакцион, хизматкор, адаптив лидерлик каби етакчиликнинг турлари пайдо бўлди. Энг кенг тарқалган бошқарув турларидан бири харизматик лидерлик тури ҳисобланиб, у Макс Вебер томонидан илгари сурилган. Наполеон Бонапарт, Александр Македонскийларнинг етакчилик фаолиятини айнан харизматик лидерликка мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Унга кўра етакчи шахсий мафтункорлик ва таъсирчан нутқ орқали одамларни бошқариш қобилиятига эга эканлиги таъкидланади[1]. Яна бир лидерлик тури бу авторитар лидерлик деб номланади. Унинг асосий элементлари кучли назорат ва марказлашган бошқарув тизими ҳисобланади. Бунга асосан ҳарбий бошқарув тизимига асосланган раҳбар жамоа фикрини эътиборга олмасдан қарорлар қабул қилиш усули мисол бўла олади [2]. Транзакцион бошқарув усули асосан бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда рағбатлантириш ва жазолаш тизими орқали амалга оширилади[3].

Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, замоनावий ишлаб чиқариш жараёнида самарадорликни ошириш учун ходимларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш ва раҳбарликка бўлган анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарур. Айниқса, лидерлик феномени борасида ғарб тадқиқотчилари, хусусан, америкаликлар раҳбарни айнан етакчи сифатида кўришга мойил. Улар раҳбарнинг асосий вазифаси – жамоанинг самарали фаолият юритиши учун керакли йўналишларни белгилаб беришдан иборат, деб ҳисоблайдилар.

Бу борада мутлақо янги "**суперлидер**" концепцияси яратилишига асос бўлади. Америкалик тадқиқотчилар Манц ва Симсларнинг фикрича, энг самарали етакчи – бу ўз жамоаси аъзоларини мустақил фикрловчи ва ташаббускор лидерларга айлантира оладиган шахсдир. Бу ғоядан келиб чиқиб, улар раҳбарликнинг босқичма-босқич шаклланишини тавсия этадилар:

1. **Ўзи учун лидер бўлиш** – шахсий мақсад ва кадрятларни шакллантириш, ўзини ўзи баҳолаш ва назорат қилиш, ўзини ўзи рағбатлантириш орқали шахс сифатида мустақамланиш.

2. **Бошқаларни ишонтириш** – ўзининг ташаббускорлиги ва етакчилик қобилиятларини намоён этиш орқали бошқаларда ишонч уйғотиш.

3. **Жамоа аъзоларида ташаббус ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш** – ходимларга ишонч билдириш ва уларга эркин фаолият юритиш имкониятини яратиш.

4. **Мустақил фаолият юрита оладиган ходимларни рағбатлантириш** – раҳбар фақат йўналиш бериши, конструктив фикр билдириши ва керакли жойда қўллаб-қувватлаши лозим.

5. **Автоном жамоа тузиш** – ходимларни шундай даражада тайёрлаш керакки, улар раҳбарнинг доимий аралашувисиз ҳам самарали ишлаш имкониятига эга бўлишлари лозим[4].

Шундай қилиб, самарали раҳбарлик – ижтимоий таъсирнинг энг юқори кўринишларидан бири сифатида қаралади. Лидерлик шахснинг нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам таъсир ўтказиш қобилиятини талаб қилади.

Эркак лидер бу – ўз олдига катта мақсад қўйиб, унга аниқ қадамлар билан интиладиган ва ушбу мақсадга эришиш учун ўзининг атрофида тўғри муҳитни танлаш қобилиятига эга бўлган одам тушунилади. Унинг кучли жиҳати — қатъият, масъулият ва тизимлиликдир. Шунинг учун дастлабки лидерлик модели маскулин яъни эркакларга хос модел негизида асосан кучли шахсий таъсир, иерархия, мукофот-жазо тизими ва стратегик бошқарувга асосланган. Кейинчалик, гендер тенглиги ва ижтимоий ўзгаришлар таъсири натижасида алоҳида аёлларга хос лидерлик моделлари ҳам ривожлана бошлади. Тарихан, лидерлик асосан эркакларга хос хусусият сифатида қаралган ва жинс омиллари эътиборга олинмаган. Аёл лидерлар масаласига зарурат бўлмагани учун бу масала нисбатан кеч тадқиқ қилина бошлади. Лидер аёл порттери яратилгунга қадар аксарият аёллар шахсий ҳаётда ва мулоқот жараёнида эркаклар моделига хос хусусиятларга урғу берганлар. Натижада табиат томонидан инъом этилган аёллик назокати ва аёллик хусусиятларини бузиб, темир хонимлар пайдо бўлган.

Аёллар ёқимли, ёрқин энергияси билан одамларга куч беради, ҳамда улар билан самимий, ишончли муносабатлар ўрната олади. Уларнинг кучи эмпатияда, ҳамдардликда, ҳамкорликда ва ҳиссиётларда.

Шу ўринда лидер аёл тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, ҳар қандай фаолият соҳасида (сиёсат, бизнес, илм-фан, маданият ва ҳ.к.) раҳбарлик вазифасини эгаллаган ва одамлар ҳамда жараёнларни самарали бошқариш қобилиятига эга бўлган аёлдир. Аёл-лидер, одатда, анъанавий лидерлик хусусиятларини ўзига хос малака ва кўникмалар билан бирлаштиради, бу кўникмалар кўпинча аёлларга хосдир. Аёл лиернинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у кўпинча юқори даражада эмпатияга эга бўлиб, бу уларга жамоада ишончли муносабатлар ўрнатишда ёрдам беради. Иккинчидан, уларнинг турли вазифалар ва ёндашувлар ўртасида мувозанатни топиш қобилияти ҳамда карьера ва шахсий ҳаётни муваффақиятли тарзда мувофиқлаштира олиш унинг ўзига хос хусусиятларидир. Ўз навбатида лидер ҳамда лидер аёл тушунчалари ўртасида маълум фарқлар мавжуд. Буни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин:

ХАРАКТЕРИСТИКАСИ	ЛИДЕР	АЁЛ ЛИДЕР
таърифи	Гуруҳни маълум бир мақсад сари йўналтирувчи шахс	Етакчилик функцияларини муваффақиятли бажарган аёл
Эмоционал сезгирлик	Мавжуд	Кўпроқ яққол сезилади
Бошқарув усули	Хилма-хил	Инклюзив ва мослашувчан
Муаммолари	Барча лидерларга хос бўлган умумий муаммолар	Гендер стереотиплари, қобилиятларни исботлаш зарурияти
Жамиятдаги роли	Виждон ва стратегияни шакллантириш	Аёллар имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг лидерлик хусусиятларини намоийиш этиш

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики лидер аёллар ўз қобилиятларини намоён қилиш учун икки ҳисса кўпроқ ҳаракат қилишларига тўғри келади, ҳамда эркакларга нисбатан эмоционал сезгирлик даражаси юқори. Лоденнинг фикрига кўра, аёллар алтернатив "феминин лидерлик модели"га мойил бўлиб, бу раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамда раҳбарнинг эмоционал таъсир механизмлари билан тавсифланади. Айнан лидерликнинг феминин модели бўйича тадқиқотлар XX асрнинг ўрталари ва XXI асрнинг бошларида кучая бошлади. Айрим муаллифлар эркак ва аёл лидерлик услубида гендерга хос фарқлари мавжудлигини англай бошлашган. АҚШда Уайт (1945) ва Харвел (1953) каби тадқиқотчилар ҳам лидерлик хусусиятларини ўрганишга асос солган. **Ральф Уайт** аёллар ва эркаклар ўртасидаги лидерлик хусусиятларининг психологик ва ижтимоий хусусиятларини ва фарқларини тадқиқ қилишга эътибор қаратган. У аёллар ва эркаклар ўртасидаги психологик ва ижтимоий фарқлар, шунингдек, уларнинг лидерлик усулларидаги муаммоларни кўрсатган[5]. Лиз Харвилл ҳам аёллар лидерлиги бўйича тадқиқотлар олиб борган. Унинг тадқиқотлари аёлларнинг лидерлик ўрни ва уларнинг ижтимоий ва психологик ҳолатларини ўрганишга қаратилган бўлиб, у ўз тадқиқотларида аёллар раҳбарлигида тўғридан-тўғри, эмпатия ва ҳамкорликка йўналтирилган ёндашувларини очиб берган[6].

Бу бўйича замонавий ёндашувлар асосида тадқиқот олиб борган олимлардан бири Лаура Штейн ҳисобланади. У аёллар кўпроқ одамлар билан муносабатларни қўллаб-қувватлашга эътибор беришади, бу эса уларга барқарор ва самарали лидерлик қилиш имконини беради деб ҳисоблаган[7]. Жанни Вейнштейн эса феминин лидерликнинг жамоавий ва эмпатик бўлишини аниқлаб, унинг бошқарувдаги ижтимоий-эмпатик фазилатлари орқали амалга ошириш ва иш жамоаларини рағбатлантириш қобилиятини таърифлади[8]. Ҳелен ли эса ўзининг тадқиқотларида феминин лидерлик моделининг асосий элементларини, жумладан, эмпатия, мулоқот ва жамоавий ишлашни таҳлил этган. Унинг иши аёлларнинг бошқарувдаги ижтимоий ролини, уларнинг ижодий қарорлар қабул қилиш ва инсонпарварлик асосида лидерлик қилишини тадқиқ қилади[9].

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Weber, M. (1947). *The Theory of Social and Economic Organization*.
2. Lewin, K., Lippitt, R., & White, R. K. (1939). *Patterns of Aggressive Behavior in Experimentally Created Social Climates*.
3. Bass, B. M. (1985). *Leadership and Performance Beyond Expectations*.
4. Ф.А.Акрамова. Ижтимоий психология: ўқув қўлланмаси. – Т., 2007. – 166 б.
5. White, R. (1945). "Psychological Aspects of Leadership." *Journal of Social Psychology*, 28(2), 198–210.
6. Harvey, L. (1953). "The Role of Women in Leadership Positions." *Journal of Applied Psychology*, 37(4), 215–224.
7. Stein, L. (2015). *Feminine Leadership: New Approaches and Traits in Leadership*. New York: Academic Press.
8. Weinstein, J. (2009). *Feminine Leadership: The Experience of Women in Management*. London: Routledge.
9. Lee, H. (2012). *Collaborative Leadership and the Role of Women in Management*. Cambridge: Cambridge University Press.



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000